



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26 ” mart

Қ-226 -son

Termiz sh.

“Ўзтелеком” АК “Ўзмоби́йл” филиалига Музработ тумани “Файзиобод”, “Меҳнатобод” ва “Халқ йўли” маҳаллалари ҳудудларидан антенна мачтаси жойлаштириш ва қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 12 февралдаги ПҚ-2126-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 03-02/130-сон йиғилиш баёни, Музработ тумани ҳокимининг 2021 йил 22 январдаги 01-03/19-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Ўзтелеком” АК “Ўзмоби́йл” филиалига Музработ тумани “Файзиобод”, “Меҳнатобод” ва “Халқ йўли” маҳаллаларидан туман ҳокимлиги заҳирасидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 100 кв.метрдан жами 300 кв.метр ер майдони антенна мачтаси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов